

Ота-онага эҳтиром - вожиб



10:56 / 05.10.2018 13067

Муҳтарам жамоат! Ислом дини инсоннинг тўғри йўлдан адашиб кетмаслиги учун ҳар бир ишда ўз кўрсатмаларини бериб боради. Шу жумладан, ота-она ҳақларини фарзандлар зиммасига юклаб, уларга доимо ҳурматда бўлишга буюради. Қуръони каримнинг кўплаб ояти карималарида ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг розилиklarини топишга амр қилинади. Ота-онага зинҳор озор бермаслик ва уларнинг сўзларию феълларини ҳеч малол олмасликка буюради. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Исро сурасида шундай марҳамат қилади:

كَذٰلِكَ نَنْهٰى بِيۡ اٰمٍ اَنْ اَسْحٰى نِيۡدِىۡلِ اَوْلِيَآءِ وَاٰلِ اٰلِ اٰدِۡمَ عَنۡ اَلۡاٰكۡبٰرِ عِصَآءِ وَاَلۡوَقۡ اِمۡهَلۡ لِّقَوۡ اِمۡهَرۡهَنۡتِ اَلۡوَقۡ اِمۡهَلۡ لِّقَوۡتِ اِمۡهَلۡ كِ وَاۡ اِمۡهَدِحَۡ رَّبِّ كَلۡا
(23. ۋارسا ۋا ۋروس) اَمۡيَرَك

яъни: **“Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт”** (Исро сураси, 23-оят).

Мазкур оятда Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга чақирган амридан кейиноқ ота-онага яхшилик қилишни таъкидламоқда. Бу ҳол ўз навбатида Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улуғ эканини билдиради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кўплаб ҳадиси шарифларида ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг хизматларини қилиб, дуоларини олишга тарғиб қилганлар. Жумладан:

"لَا تَقُولُوا لِمَنْ أَلْفَاهُ يَأْكُلْ أَرْسًا وَلَا يُسْرِرُ أَيُّ تَلْقُ لِقَاقُ، نَعْنَعُ لَلِأَيُّضِ رَدُّعُ سَمِ نَبِا نَعْنَعُ "يَرَاخُ بَلْ أَمَامِ الْهَوْرِ" "نِيْدِلْ أَوْلَا رَب" لِقَاقُ أَيُّ مَثُ تَلْقُ لِقَاقُ، "أَوْتَقَوْلُ الْهَالِصِلَا (مَلْسُ مُمَامِلَاو).

яъни: “Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Амалларнинг қайси бири афзал?”, – деб сўрадим. **“Вақтида ўқилган намоз”**, – дедилар. “Кейин нима?”, – дедим. **“Ота-онага яхшилик қилиш”**, – дедилар” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ота-онага яхшилик қилган фарзанднинг умри зиёда ва ризқи мўл-кўл бўлиши ҳақида Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

دَارِي وَوَرْمُعِي فُهَلْ دَمِي نَأْ رَسْ نَم" : مَلْسُو هِي لَع لَلِأَيُّصِرْ لَلِأَلْوَسَرَلِاقُ يَفَلْبَنْ حُنْبُ دَمِ أَمَامِ الْهَوْرِ) "هَمْ حَرْلُ صَيْلُ وَهِيْدِلْ أَوْلَا رَبِّي لَفِ وَوَرْمُعِي فُهَلْ (وَدَنْ سُم).

яъни: **“Кимни умри узун ва ризқи кенг бўлиши ҳурсанд қилса, ота-онасига яхшилик қилсин ва силаи раҳм қилсин”**, – дедилар” (Имом Аҳмад “Муснад” китобида ривоят қилган).

Ота-онасига яхшилик қилган фарзандларга жаннат эшиклари очилиши ҳақида қуйидаги ҳадис келган:

حَبْصِيْفِ، نَأْوَبَأْ هَلْ مَلْسُ مُمَامِ " : مَلْسُو هِي لَع لَلِأَيُّصِرْ لَلِأَلْوَسَرَلِاقُ مُمَامِلَاو دُوَادُ وَبَأْ مَامِلَاو (وَأَوْر). نَجْلَا نَمْنَا بَأْ هَلْ حَتْفُ أَلْ أَمَامِ لَلِأَيُّ نَسْحُ م وَو (وَجَامُ نَب).

яъни: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қайси бир мусулмоннинг ота-онаси бўлса, уларга яхшилик қилиб тонг оттирган бўлса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади”**, – деганлар (Имом Абу Довуд ва Имом Ибн Можа ривоят қилганлар).

Аллоҳ таоло ўзининг розилиги ва ғазабини ота-онанинг розилиги ва ғазабига боғлаб қўйди:

طَخَسَ وَدَلَّ أَوْلَىٰ يَضُرُّ بِرَّالْأَبِّ وَالْأُمِّ وَالْوَسْرَ لَأَقِ
(يُذَمَّرُ لِمَا أَمَرَ وَأَوْرَدَ دَلَّ أَوْلَىٰ طَخَسَ يَفِّبُّرَّالْأَبِّ)

яъни: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **“Раббнинг розилиги ота (она)нинг розилигида, Раббнинг ғазаби ота (она)нинг ғазабидадир”** (Имом Термизий ривоят қилган).

Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ота-онадан етим қолган бўлсалар ҳам, эмизган оналарига нисбатан юксак ҳурмат намуналарини кўрсатганлар. Ибн Саъднинг “Табақот” китобида ёзилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадича онамизга уйланиб, Маккада яшаб турганларида ёнларига Ҳалимаи Саъдия келиб: “Қаҳатчилик туфайли ҳаёт кечириб жуда ҳам қийинлашиб кетди, қурғоқчиликдан ҳайвонлар қиришиб кетмоқда” – деб айтадилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича онамиз билан маслаҳатлашиб унга қирқта қўй ва битта туя берадилар.

Ҳатто бир куни Ҳалимаи Саъдия Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларига келганида ўринларидан туриб: **“Онажон!, онажон!”**, – деб ҳурмат ва муҳаббат кўрсатганлари, ридоларини ерга солиб унга ўтқазганлари ҳам нақл қилинган. Ҳалимаи Саъдия розияллоҳу анҳо Мадинадаги Бақиъ қабристонига дафн қилинган.

Муҳтарам ота-оналар фарзандлари камоли, уларнинг чин инсон бўлиб улғайишлари, таълим-тарбия олишлари, касбу ҳунар ўрганишлари йўлида жонларини, молларини, куч-ғайратларини сафарбар этишади. Фарзандга келган бало-қазоларга кўксиларини қалқон қилишади. Аммо айрим ёшларимиз ота-оналарига қўпол муомалада бўлиб, дилларини ранжитиб, ўзининг ёмон хулқи билан эл орасида ота-онасини шарманда қиладиган, кексайган чоғларида эъзозлаб парваришlash ўрнига, қаровсиз ташлаб қўядиган ёки қариялар уйига жўнатадиган нобакор фарзандлар ҳам учраб туриши сир эмас. Бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

مُكْتَبَاتُ مُكْتَبَاتِ آبِ أَوْ رَبِّ: مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي لَصَدِّ لَلْأَلْوَسَّرَ لَأَق
(مَكْتَبَاتُ مَأْمُورٍ) مَكْتَبَاتُ فَعَّاتٍ أَوْ فَعَّو

яъни: **“Ота (она)ларингизни ҳурматлаб, уларга яхшилик қилинглар, шунда фарзандларингиз ҳам сизларга яхшилик қилишади. Ифбатли бўлинглар, шунда аёлларингиз ҳам ифбатли бўлишади”** (Имом Ҳоким ривояти).

Доно халқимизда “Нимани эксанг, шуни ўрасан”, “Ота рози – Худо рози” каби ажойиб ҳикматлар бор. Ҳар бир эркак ва аёл бу ҳикматлардан тўғри хулоса чиқариб, ўзини ўнглаши, хато қилган бўлса, дарров ота-оналаридан узр сўраб, уларнинг кўнглини топиш, дилларидан озорни кетказиш пайида бўлиши даркор!

أَلْجَرَامُ هَنْعُ هَلْ لِي ضَرَرٌ مُمْعُنْ بَابِ دَهَشٍ هَنْعُ هَلْ لِي ضَرَرٌ يَرْغَبُ شَأْلَ إِسْؤْمٍ وَبَأْ لَأَق
نُ... لَلْ دُمُورِ عَبَّ أَلْ يَنْنُ: لُوقِي هَرْهَطَاءَ رُوْمُورُ لَمَحَتْ بِلَابِ فُوطِي أَي نَأْمِي
رَفَزْبِ أَلْو، أَل: لَأَق أَهُتِي رَجِي نَأْرَتِ أَرْمُعِ نَبَأِي: لَأَق مُمْتَرَعُ دَأْمَلِ أُهُبْ أَلْ رَعَدَأْ
(يُرَأْخُ بَلْ أَمَامِ أَلْو) دَحْ أَو

яъни: Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу айтадилар: “Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо бир Яманлик киши ўз онасини елкасига кўтарган ҳолда Каъбатуллоҳни тавоф эттириб юрганини кўрдилар. У одам тинмай қуйидаги байтни айтар эди:

Онаи зорим учун бўйнини эгган туяман,

Туя минган онам ҳорисада, мен ҳоримасман.

Бу байтни ўқир экан ҳалиги киши Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумога қараб: “Эй Абдуллоҳ, мана шу хизматим билан онамнинг ҳаққини адо қила олдимми?”, – деб сўради. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо: “Йўқ! Бу хизматинг онамнинг сен туфайли битта оҳ тортганига ҳам тенг келмайди”, – дедилар” (Имом Бухорий ривояти).

Тобеинлардан бири Муҳаммад ибн Мункадир раҳматуллоҳи алайҳи ҳар куни оналарининг оёқлари остига ётар ва: “Эй, онажон, юзимни оёқларингиз билан босиб ўтинг ва менинг юзларимни дўзахдан қутқаринг”, – дер экан.

Ота-она вафотларидан кейин ҳам фарзандлар ўз зиммаларидаги вазифаларини адо этишлари лозим.

يَلْصِقُ لِحْيَتَهُ لِحْيَةَ ابْنِهِ وَنَحْنُ نَحْنُ أُمَّنِ يَبِي: لَأَقْ هُنَّ لِي ضَرِيحُ اسْلَلِ دِي سَأُيَبِ أُنْ ع
 سِي لَعِي قَبْلَهُ هَلْ لِي لُؤْسَرِ أَي: لَأَقْفَ مَلَسِي نَبْنُ مَلْجُرْ هَاجُ ذِي مَلَسُو هِي لَعِ هَلْ لِي
 ، أُمَّهِي لَعِي هَلْ لِي صِلَا مَعْنُ: "لَأَقْ؟ أُمَّهِي وَمَدَعَبُ هَبِ أُمَّهِي رَبِّ أَيْ شِي وَيَبِ أَرْبُ نَم
 أَلِي تَلِي مَحْرَلِ هَلْ صَو ، أُمَّهِي دَعَبُ نَم أُمَّهِي دَعَبُ ذَا فَنِ إِي ، أُمَّهِي رَأْفَتُ سَأَلِ إِي
 (دُوَادُ وَبِ أُمَّهِي إِي هَ أَوْر) "أُمَّهِي دَعَبُ مَارْ كِ إِي ، أُمَّهِي أَلِ لَ صَو ت

яъни: Абу Усайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик. Буну Салама қабиласидан бир киши келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, мен учун ота-онам дунёдан ўтганидан кейин ҳам қиладиган яхшилик қолдими?”, – деб сўради. **“Ҳа, уларнинг ҳақларига дуо қилиш, истиффор айтиш, аҳдларини бажариш, ота-она орқали қариндош бўлганларга силаи раҳм қилиш ва дўстларини ҳурмат қилиш”**, – дедилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Ибн Умар розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ота-онанинг дўстлик алоқаларини сақлаш тўғрисида шундай деганларини ривоят қилади:

يُرَاحُ بِلِأُمَّهِي إِي (هَجَّحْ أ) لَكَ رُونُ هَلْ لِي عِي فَطَيَفُ ، هُوَ طَقَاتِ إِي ، كِي بِي أُوْ طَفْحَا
 (دَرَفُ مَلِ بَدَأَلِ يِي

яъни: **“Отангнинг дўстлари билан алоқани сақла, уни узиб қўйма, акс ҳолда Аллоҳ нурингни ўчириб қўяди”** (Имом Бухорий ривояти).

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал роҳимаҳуллоҳ: “Ота-онага яхшилик қилиш гуноҳи кабиралар учун каффоратдир”, – деганлар.

Ота-онаси вафот этганларидан кейин ҳам яхшилик қилишни истаган фарзандлар ота-оналари номидан хайру садақа ва эҳсонлар қилсинлар. Қилган садақалари савобини ота-оналарига бағишласалар, манфаати уларга етади. Ота-онадан сўнг уларнинг қариндошларига, дўст ва дугоналарига яхшилик қилган фарзанд худди ота-онасига яхшилик қилган билан баробар бўлиб, умрига ҳам барака берилади.

Фарзанд ота-онанинг розилигини олиш учун қуйидаги амалларни бажариши тавсия этилади.

- Аввало, барча ишларда ота-онадан маслаҳат олиш;
- Ота-онанинг насиҳатларини жону дили билан қабул қилиш;
- Гаплашганда мулойим, ёқимли сўзлар билан муомала қилиш;
- Бирор хизмат буюрсалар, “лаббай”, деб уни бажариш;
- Ўзига хуш кўрган нарсаларни уларга ҳам раво кўриш;

- Уларнинг олдида баланд овозда гапирмаслик;
- Уларга “уф” ёки “ух” демаслик;
- Ота-онадан олдин таомга қўл узатмаслик;
- Ота-она кириб келганда ўрнидан туриш ва улардан олдин ўтирмаслик;
- Ота-она ҳузурида оёқларини чўзмаслик, ёнбошламаслик;
- Улардан юқорида ўтирмаслик;
- Ота-она дам олаётганда уларни безовта қилмаслик, олдиларига рухсатсиз кирмаслик;
- Ота-онанинг кўнгилларини топиб, розилигини олиш;
- Ота-онанинг озиқ-овқати, кийим-кечаги ва соғлиғидан ўз вақтида хабар олиш;
- Дуо қилганда ота-онасининг ҳақларига алоҳида дуо қилиш.

Ҳурматли жамоат! Мавъиза давомида имон асосларига тааллуқли бўлган масалаларни зикр қилиб ўтамыз.

Имон ва унинг рукнларини билиш ҳар бир мўмин-мусулмонга фарзи айн ҳисобланади. Шу сабабли имон ва унинг рукнлари ҳақида қисқача тўхталамыз. Имон мўтабар ақоид китобларимизда қуйидагича таърифланади ва унинг рукни иккита: **“Имон қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор бўлишдир”** (Биз амал қиладиган Мотуридия ақидавий мазҳабида шариат аҳкомларига амал қилиш имон таърифига киритилмаган бўлса ҳам, имон тақозо қилган нарсаларга амал қилиш вожиб бўлади).

Имон келтириш керак бўлган нарсалар кўп. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

رَّشَوَ وَوَرِيحَ رَدَقُلْ اَوْ رَحْ اَلْ اِ مْوِيْلْ اَوْ وِلْسُ رَوِ وِبْتُ كَوِ وِتْ كَيْ اَلْ مَوْ وِ لْ اَبُ تَنْ مِ ا
تَوْ مِلْ اَنْ عَبْ تَغْبُلْ اَوْ اَلْ اَغْتِ لْ اَلْ مِ

яъни: **Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таолодан эканига, ўлгандан сўнг қайта тирилишга имон келтирдим.**

1. **Аллоҳ таолога имон келтириш** – унинг борлиги ва бирлиги, бутун махлуқотларнинг яратувчиси эканлиги, барча комил сифатларга эгалиги, айбу нуқсондан поклиги, зоти, феъллари ва исму сифатларида тенги (шериги) йўқлиги ҳамда ягона ибодатга лойиқ зот эканига шубҳасиз ишонишдир.

2. **Фаришталарга имон келтириш** – улар Аллоҳ таолонинг нурдан яратилган, эркак-аёллик билан сифатланмайдиган, нафс ва шаҳвати бўлмаган, ҳеч ҳам Аллоҳга исён қилмайдиган, турли вазифаларни бажарувчи итоаткор бандалари эканига ишонишдир.
3. **Китобларга имон келтириш** – Аллоҳ таоло инсониятни ҳидоятга бошлаш учун илоҳий китоблар тушириб турган. Мусо алайҳиссаломга Таврот, Довуд алайҳиссаломга Забур, Исо алайҳиссаломга Инжил ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони карим нозил қилинган. Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси билан Қуръони карим илоҳий китобларнинг охиргиси ва аввалги илоҳий китобларни мансук қилувчиси бўлди.
4. **Пайғамбарларга имон келтириш** – Аллоҳ таоло ўзи ва бандалари ўртасида элчи бўлиши учун пайғамбарларни танлаб олган ва уларни каттаю кичик гуноҳлардан пок қилган. Уларнинг сони ривоятларда ҳар хил келган. Шунинг учун уларнинг сонини маълум бир ададига чеклаб қўймаймиз. Биринчи пайғамбар Одам алайҳиссалом, охиргилари эса Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдир. Пайғамбарлик рутбасига эришган зотдан бу мартаба қайтариб олинмайди. Қуръони каримда 25 та пайғамбар (алайҳимуссалом)нинг номи зикр қилинган.
5. **Охират кунига имон келтириш** – бу дунёнинг охири бўлган, унда ҳамма ишларнинг ҳисоб китоби бўладиган, савоб ва гуноҳ ишлар адолат тарозусида тортиладиган ва тўлиқ мукофот ҳамда жазоси бериладиган, мўмин мусулмонлар Аллоҳнинг фазли марҳамати билан жаннатга, куфр аҳли Аллоҳнинг адли билан дўзахга киритилладиган, кейин ҳаёт абадий давом этадиган кунга имон келтириш.
6. **Қадар (тақдир)га имон келтириш** – ҳаётда инсон дуч келадиган ҳар бир яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси билан бўлади. Яхшиликка шукр, ёмонликка сабр қиламиз, ҳар икки ҳолатда ҳам савоб ҳосил бўлади. Яхши ишларимизда Аллоҳ таолонинг розилиги ва тавфиқи бўлади, гуноҳ ишларимизда эса Аллоҳ таолонинг розилиги ва тавфиқи бўлмайди. Инсонда жузъий ихтиёр бўлиб, у имон ва куфрдан бирини танлайди ва шу танлови учун жавобгар бўлади. Тақдир Аллоҳ таолонинг сири бўлгани учун унда чуқур кетмаймиз ва (хавфу ражо билан) бизга аниқ бўлган Аллоҳ ва Расулининг буйруқ ва қайтариқларига амал қилиб борамиз.
7. **Қайта тирилишга имон келтириш** – Бу дунё ўз-ўзидан пайдо бўлмагани каби, ўз-ўзидан йўқ ҳам бўлиб кетмайди. Қиёмат кунда биринчи Сур чалинганда барча инсонлар вафот топишади. Иккинчи

марта Сур чалинганда эса, Қуръони каримда айтилгани каби жасад ва руҳлар бирлашиб тирилади ва ҳисоб китоб бошланади. Ҳадиси шарифда айтилганидек отнинг туёғидек жойдан 70 минг киши “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиб чиқиб келади. Қайта тирилишга шак-шубҳасиз имон келтирамыз.

Иншааллоҳ, келгуси жумаларда булардан бошқа, жаннат, дўзах, ҳисоб-китоб, амаллар тортиладиган тарозу, сирот кўприги ва бошқа ақоид китобларда келтирилган нарсаларга имон келтириш ҳақида суҳбатлашамиз.

Аллоҳ таоло барчамизни имон ва исломда собитқадам қилсин, бизни тарбия қилган марҳум ота-оналаримизни раҳматига олсин, ҳаёт бўлсалар умрларига барака берсин! Омин!